

**NATIONWIDE MAKTABLARI ZUDITCHINING LABOR ZHARAENINI
OGIRLIGI AND KESKINLIGI, CLASS HYGIENIC ENVIRONMENT
BAKHASHA**

Akhmadaliev N.O.,
T.F.D., Tashkent Medical Academy Environment
Hygiene Chair Associate Professor

Nigmatullayeva D.Zh.,
Assistant

Anotation

The teacher is the main person in the educational process of secondary school, if not disabled with this professional is determined, but also to his many xolni this ruxiy and physical health is associated. Thus, the labor of the teacher's specific special conditions: nerve-emosional downloads, business creativity is a description of the strain of constant attention, the movement of the active low obligatory "which stood" working postures, sound analizator see the outpouring of strain significantly to the hardware shows the effects of very large downloads

Keywords: secondary schools, teachers, labor conditions, the growth of the child, the weight and tension of labor

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ ШҚИТУВЧИНИНГ МЕХНАТ
ЖАРАЁНИНИ ОВИРЛИГИ ВА КЕСКИНЛИГИ, СИНФ МУХИТИНИ
ГИГИЕНИК БАХОЛАШ**

Ахмадалиева Н. О.
т.ф.д., доцент, Тошкент тиббиёт академияси
Атроф муҳит гигиенаси кафедраси

Нигматуллаева Д. Ж.
ассисстент

Анотация

Умумтаълим мактаби ўқитувчиси ўқув-тарбия жараёнида асосий шахс бўлиб ҳисобланади, бу билан касбий лаёқатлилик белгиланади, балки кўп холларда бу унинг рухий ва жисмоний саломатлигига ҳам боғлиқ бўлади. Бунга ўқитувчининг маҳсул ўзига хос бўлган меҳнат шароити: асаб-эмоционал юклама, фаолиятнинг ижодкорлик тавсифи, доимий диққатни зўриқиши, ҳаракат фаоллигининг пастлиги, мажбурий “тик турган” ишчи позаси, товуш аппаратида жуда катта юкломани тушиши, кўриш анализаторини сезиларли даражада зўриқиши таъсир кўрсатади

Калит сўзлар: умумтаълим мактаб, ўқитувчи, меҳнат шароити, болани ўсиши, меҳнатнинг оғирлиги ва кескинлиги



Кириш. Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатининг ўзига хослиги шундан иборатки, уларнинг ишида иш куни давомида махсус ишчи поза фониди меҳнат жараёнининг кескинлик элементлари устунлик қилади. Бунда ўқитувчининг ўзини ҳис қилиши ва қулайлигига, умуман олганда унинг саломатлиги ва иш қобилиятига кўрсатиладиган физик-кимёвий тавсифдаги турли таъсирларга дуч келади, уларга: ҳаводаги кимёвий моддалар (азот оксиди ва азот икки оксиди, олтингугурт углерод, фенол, углерод оксиди) ошган ёки пасайган ҳаво ҳарорати ва унинг намлиги, аэроион таркиб, табиий ва сунъий ёритилганлик тавсифи ва ҳ.к лар киради [1,2,3].

Иш ўрни аттестацияси нуқтаи назаридан ўқитувчиларнинг меҳнат жараёнини (ўқув-тарбия) бажариш шароитларига кўра – уларнинг меҳнатини оптималлаштириш бўйича тадбирлар тизимидаги дастлабки чора тадбирлардир [4,5].


Текшириш материаллари ва усуллари. Илмий тадқиқот ишини олиб боришда санитар гигиеник, ижтимоий-гигиеник, статистик, сўровнома саволларига берилган жавоблар таҳлили, асбоб ускуналар ёрдамида синф хоналари, умумтаълим мактабларининг микроклим кўрсаткичларини асбоб ускуналар билан текшириш орқали баҳолаш усулларида фойдаланиш билан амалга оширилди [6].

Олинган маълумотларни муҳокамаси. Санитар гигиеник нормативлардан силжишлар шароитидаги ишлар Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун”, “Аҳолини санитар эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун”, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун” ларининг бузилишлари бўлиб ҳисобланади ва давлат санитария эпидемиология назорати ва Қонун бўйича бошқа ҳавфсиз меҳнат шароитлари учун санкцияларни қўллаш ваколати берилган назорат қилувчи хизмат органларига фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Тармоқ актлари билан регламентланган ва ишчиларнинг касбий фаолиятининг ўзига хосликлари билан боғлиқ бўлган, гигиеник нормативларнинг бузилиши бундай касбда ишловчининг ижтимоий ҳимоясига қаратилган тадбирлар, меҳнат ва дам олишни оқилона режимдан фойдаланиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Умумтаълим мактаблари бошланғич синф ўқитувчиларининг иш ўрни ҳолатини аттестацион баҳолаш Ўзбекистон Республикаси “Меҳнат шароитлари бўйича иш ўринлари аттестациясини ўтказиш тўғрисида” Қарори ва 2003 йил “Меҳнат жараёнининг оғирлиги ва кескинлиги, ишлаб чиқариш муҳитининг зарарли ва хавфли омил кўрсаткичлари бўйича меҳнат шароитини таснифи ва баҳолашнинг гигиеник мезонлари” га мос ҳолда ўтказилди.

Объект ҳолатини баҳолашда аттестация ўтказиш вақтида паспортизация қилишда меҳнат шароити баҳоланади, аниқ бир иш жойидаги меҳнатнинг оғирлик ва кескинлик даражаси аниқланади. Адабиётлардан маълум бўлдики, мактаб хавф зонаси бўлиб ҳисобланади, унда доимий равишда кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларидан то ўсмирларгача мунтазам равишда хавфга дуч келадилар.



Аммо шу билан бир вақтда мактабда болалар билан бир қаторда катта ёшлилар – ўқитувчилар ҳам бўлиб, улар худди болалардек бўлган шароитда ўз меҳнат фаолиятини олиб боради.


Замонавий шароитда саломатликни шаклланишида мактаб ичи муҳити омилларининг улуши бошланғич синф ўқувчиларида 12,5%ни ташкил этса, мактабни яқунлаш вақтига келиб у деярли 2 мартага ортиб, 20,7%га етади (Г.И. Сердюковский ва ҳаммуаллифлар, 2013г.). Бироқ бола мактаб тартиби ва унинг муҳитида 10-11 йил бўлса, ўқитувчи 30-40 йил давомида бўлади, бу ҳам унинг саломатлигига таъсир этиши мумкин. Рязан ишаҳридаги умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчиларини меҳнат шароити устидан тадқиқотларни ўтказиш қуйидагиларни кўрсатди.

Шаҳар атмосфера ҳавосини ифлосланиши ва ундаги қурилиш зичлигининг ортиши мактабларнинг инсоляцияси ва улардаги ультрабинафша нур тартибига ўз таъсирини кўрсатади (А.И. Зеленко, В.И. Федынский ва бошқалар, 1950; Н.С. Анищенко, 1959; В.Д. Постни–кова, 1960 ва бошқалар). Болалар ва ўсмирлар учун мўлжалланган муассасалардаги ёруғлик тартиби барча аммо биринчи навбатда асосий хоналар, бизнинг вазиятимизда синф хоналарини миқдор ва сифат жиҳатдан оқилона ёритилганлигини кўзда тутади.

Бизлар томонимиздан ўрганилган бошланғич синфларнинг барча кабинетлари чап ён томондан тушишга режалаштирилган, табиий ёритилганликка эга. Дераза ойналари жанубий, жанубий-шарқий ва шарқий ориентацияда ташкил этилган. Ёруғлик тирқишидан энг узоқ жойда девордан 1,2 метр масофада ўлчанган табиий ёритилганлик коэффициенти (ТЁК) 12,3% ҳолатларда норматив белгилардан 1,5 %га паст бўлди ва 0,8 дан 1,5%гача ўзгариб турди. Бу 34,9% ҳолатларда қўшни бинолар билан оралиқ масофага риоя этмаслик, 27,5% ҳолатларда кабинетлар деразаси олдида ўсадиган дарахтлар ва бутасимон дарахатлар билан тўсилиб қолиш, 22,5% ҳолатларда кабинетдаги деразалар олдида хона гулларини зич ўстирилиши ва деразаларни қалин дарпардалар билан тўсилиб қолиши, 15,1% ҳолатларда дераза ойналарини шиша қисмини ифлосланиши билан боғлиқдир. Шуларни ҳисобга олган холда куннинг биринчи ярмида ишлайдиган ўқитувчилар комбинациялашган ёритилганлик шароитида фаолият олиб боришларига тўғри келади.

Бошланғич синф ўқитувчиларининг иш столида ўлчанган ТЁК 100% ҳолатда норматив талабларига мос келади.

Бошланғич синфлар кабинетларидаги сунъий ёритилганлик 91,7% ҳолатда қуввати 40 ёки 80 Вт бўлган ЛБ ёки ЛД маркали люминесцент лампалар ва 8,3% ҳолатларда қуввати 300 Вт бўлган чўғланма лампалар билан таъминланади. Люминесцент лампали ёриткичлар ёруғлик тарқатувчи девордан 2 қатор ташқи девордан 1,2 метр ва ички девордан 1,5 масофада жойлаштирилади. Қуввати 40Вт бўлган люминесцент лампалардан фойдаланганда ҳар бири 5-6 ёриткичларни икки қаторда жойлаштирилишида ШОД-2-40 ёки ШЛД-2-40 типидаги 10-12 ёриткичлардан фойдаланилади. Агар қуввати 80 Вт ли лампалардан фойдаланилса, у холда ШОД-2-80 ёки ШЛД-2-80 типидаги чироқлардан 6-8 дона осилади, улар ҳам икки қатор жойлаштирилади.



Ҳар бир ҳолатда ёриткичлар миқдори ўқув хонасининг майдони билан аниқланди, бунда барча кабинетларнинг нисбий миқдори 20 Вт/м² дан кам бўлмаган миқдорни ташкил этди. Чўғланма лампалар билан ёритилишда «Сутли пуфак», «Люцета» типдаги ёриткичлардан фойдаланилди. Бизлар томонимиздан текширилган синфлардаги бундай ёриткичларнинг сони 8 дан 12 гача ўзгариб турди ва шунингдек хона майдони бўйича аниқланди. Синф доскасини яхши ёритилиши учун қўшимча равишда люминесцент ёки чўғланма чироқлардан фойдаланилди. Бироқ бошланғич синфларнинг 25,8% кабинетларида доскани маҳаллий ёритиш чироқлари мавжуд эмас, бу эса унинг юзасидаги амалдаги ёритилганликни (300-350 лк) нормативдан паст даражагача (500 лк) пасайишига олиб келади.

Сунъий ёритилганлик даражаси ўлчанганда аниқландики, бошланғич мактаб ўқув синфларидаги тўғриловчи коэффицентни ҳисобга олиш билан амалдаги ёритилганлик 25,2% ҳолатларда ўрнатилган нормативлардан (люминесцент лампалар учун 300 лк ва чўғланма лампалар учун 150 лк) паст бўлиб чиқди. Бу сунъий ёритиш тизимларини ўз вақтида ва тўлиқ хажмда таъмирдан чиқарилмаганлиги (35,6%), ёритиш жтҳозларини тўлиқ алмаштирилмаганлиги (52,1%) ва синф хоналаридаги ёритиш қурилмаларини тўлиқ тозаланмаганлиги билан боғлиқдир. Бизнинг маълумотларимизга кўра, бошланғич синф кабинетларидаги 87,7% чироқларнинг ёритиш арматураларини тозалаш ўқув йилининг бошида ва куйган чироқларни алмаштириш вақтида эпизодик, йилда икки мартадан кам эмас, қолган ҳолатларда эса (12,3%) фақат бир марта амалга оширилди. Куйган чироқларни ўз вақтида алмаштирилмаслик ҳолати 52,1% ҳолатларда аниқланди.

Машғулотларни ўтказиш давомида биргаликдаги ёритилганликдан фойдаланиш иш ўринларида амалдаги ёритилганликни меъёрлаштирувчи даражасини олишга имкон беради. Хулоса. Демак, иш куни ўртасида синфларни комбинациялашган ёритилишида ўқувчиларнинг партаси ва ўқитувчиларнинг иш ўрнида бизлар томонимиздан ёритилганлик даражасини ўлчаниши кўрсатдики, уларда ёритилганлик кўрсаткичларини пасайиши аниқланмади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳакимов М. Касб педагогикаси. Ўқув қўлланма Т, ТДИУ.- 2017. 194 б.
2. Ғозиев Э.Ғ., Мамедов К.Қ. Касб психологияси. Тошкент 2013.
3. Ғозиев Э.Ғ. Касб ва шахс. Тошкент 2013.
4. Ғозиев Э.Ғ. ва б. Касб психология курсидан маърузалар матни. Тошкент 2019. 5.
5. Қодиров Б.Р., Қодиров К.Р. “Касбий ташхис методикалари” Тошкент-2019й.
6. Климов Е.А. Как выбирать профессию. Москва 2005.